



THE PRINCIPLES OF CASHLESS SETTLEMENTS ARE ALSO THE PRINCIPLES OF PAYMENT CIRCULATION

I.Sayfiddinov

Associate professor of Tashkent State University of Economics , Uzbekistan

Abstract: In organizing this or that thing or solving existing problems, the principles scientifically based on its basis are of great importance. If the principles are scientifically based and set correctly, most of the problems that may arise in the system are determined by the violation of these principles. Therefore, in order to solve the problem that has arisen, first of all, it is necessary to achieve full compliance with the principles accepted as the basis. Otherwise, it will not be possible to solve the problem and it will deepen. These points are fully applicable to all economic processes, including payment circulation.

Keywords: economic processes, payment circulation, accounting principles, development.

У ёки бу нарсани ташкил этиш ёки мавжуд муаммоларни ҳал этишда унинг асосига илмий жиҳатдан асосланиб қўйилган принциплар муҳим аҳамият касб этади. Агар принциплар илмий жиҳатдан асосланиб, тўғри қўйилган бўлса, тизимда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларнинг асосий қисми ана шу принципларга риоя этишнинг бузилганлиги билан белгиланади. Шу сабабли, вужудга келган муаммони ҳал этиш учун, энг аввало, асос сифатида қабул қилинган принципларга сўзсиз риоя этишнинг таъминланишига тўлиқ эришмоқ зарур. Акс ҳолда, муаммони ҳал этишнинг иложи бўлмайди ва у янада чукурлашаверади.

Бу билдирилган фикрлар барча иқтисодий жараёнларга, шунингдек, тўлов айланмасига ҳам тўлиқ тегишли. Шунинг учун ушбу ҳисоб-китобларни аниқ ва қулай принциплар асосида амалга ошириш ҳамда ушбу принципларни тўғри талқин қилиш лозим.

Иқтисодиёт фанида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг принциплари ягона ёки бир хил тарзда талқин қилинмасдан келинайти. Бизнинг фикримизча, уларни, қисқача, қуйидаги тарзда акс эттириш мумкин (1-жадвал).

1-жадвалдан кўриниб турибдики, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг принциплари масаласига нисбатан ёндошувларнинг турлича бўлганлиги учун унга нисбатан ягона ёки умумъетироф этилган принциплар ҳам мавжуд эмас. Шу муносабат билан, уларнинг барчасига биз катта эътибор ва ҳурмат билан қарасак-да ва уларнинг ўзига хос ҳолда асосланганлигини



тўлиқ эътироф этсак-да, ҳозирги шароитда илмий тадқиқотчиларнинг фикрлари эркин ва уларнинг турли хил бўлиши мумкинлигидан келиб чиқсан ҳолда, ушбу масалага нисбатан ўзимизнинг баъзи бир фикрларимизни айтиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб хисобладик.

1-жадвал

**Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар принципларининг қиёсий тавсифномаси
(кўриниши)¹**

П р и н ц и п л а р	Муаллифи
1. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги барча ҳисоб-китобларни банк муассасалари орқали ўтказиш; тўловларни, одатда, товарлар ортиб жўнатилганидан, хизматлар кўрсатилганидан, ишлар бажарилганидан, молиявий, кредит ва бошқа мажбуриятларнинг узиш (қайтариш, сўндириш) муддати келганидан сўнг содир этиш; тўловларни тўловчининг ҳисоб варагида маблағи бўлганда ёки унда кредит олиш хукуқи бўлгандагина амалга ошириш; ўзининг ҳисоб варагидан маблағларни ўтказиш тўғрисида тўловчининг розилиги мавжуд бўлганда тўловларни содир этиш.	Анъанавий 
2. Умумиқтисодий принциплар - иқтисодлилик ва табақаланувчанлик. Махсус принциплар – 1-гурух ҳисоб-китобларнинг ташкил килиш жиҳатларидан иборат, 2-гурух тўлов операцияларининг иқтисодий асосларини очиб беради (тўловларнинг мақсадли характерга эгалиги, муддатлилиги ва таъминланганлиги принциплари)	В.И.Таранков 
3. Хўжалик юритувчи субъектлар ўз маблағларини банқдаги ҳисобваракларда сақлашлари ва барча операцияларни банк орқали ўтказишлари; мижозларнинг ҳисобваракларидан пул маблағларини кўчириш, уларнинг топшириғи ёки розилигига асосан ҳисобваракдаги маблағлар миқёсида бажарилиши; маблағларнинг тўловчининг ҳисобварагида ўчирилгандан сўнг олувчининг ҳисобварагига ўтказилиши; ҳисоб-китоблар бўйича хўжалик юритувчи субъектлар орасидаги ўзаро эътиrozлар белгиланган тартибда банк иштирокисиз кўриб чиқилиши; ҳисоб-китоб шаклларини танлаш; тўловнинг муддатлилиги	Ш.З.Абдуллаева
4. Ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга оширишнинг хукуқий режими; ҳисоб-китобларни банк ҳисобвараклари бўйича амалга ошириш; тўловларни узлуксиз амалга оширилишини таъминлайдиган даражада ликвидлиликни таъминлаш; тўлов учун тўловчи акцепти (розилиги)нинг мавжудлиги; тўловларнинг муддатлилиги; ҳисоб-китобларнинг тўғри содир этилиши, уларни амалга оширишнинг ўрнатилган тартибларига нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг барча иштирокчилари устидан назорат; шартнома шартларига риоя этилиши устидан ҳисоб-китоб иштирокчиларининг мулкий жавобгарлиги	М.П.Березина

¹ Жадвал тадқикот натижаларига кўра муаллиф томонидан тузилган.



5. Тўловчиларнинг мажбуриятлари бўйича тўловлар; нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг оптималь тезлиги; тўловларнинг периодик (даврий) навбатлилиги; нақд пулсиз ҳисоб-китобларни юритиш харажатларининг самардорлиги	М.А.Косой
6. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг мижозларга маблағларни сақлаш ва ўтказиш учун очилган банк ҳисобвараклари бўйича амалга оширилиши; ҳисобвараклар бўйича тўловларни банклар факат улар эгаларининг кўрсатмасига мувофиқ улар томонидан ўрнатилган тўловларнинг навбатмав-навбатлиги ва маблағларнинг ҳисобваракдаги қолдиги доирасида амалга ошириши; хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шаклларини мустақил равища аниқлаши ва уларнинг хўжалик шартномаларида акс этиши	Бошқалар

Бизнинг фикримизча, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар принципларининг турли шакл, мазмун ва сон жиҳатдан талқин қилинаётганлиги уларнинг моҳиятига тегишли бўлган масалага бориб тақалади. Маълумки, фанда принцип дейилганда устига назария ёки илмий тизим куриладиган асосий бошланиш тушунилади. Бундай умумий тушунча нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, маълум даражада, конкретлаштиришни тақоза этади. Товарлар ва хизматларни реализация қилиш, миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёни билан боғлиқ бўлган пул-кредит операцияларининг мажмуига нақд пулсиз ҳисоб-китоблар дейилади. Уларда принциплар нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг таркибий тузилмавий элементлар моҳияти воситасида амал қиласди. Ана шундай элементлар орасида пулнинг тўловнинг нақд пулсиз воситаси сифатида амал қилиши энг муҳим ҳисобланади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларда пулнинг тўлов воситаси сифатида амал қилиши шундай муҳим меъзон ҳисобланадики, у нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ҳақиқий принципларини уларнинг бошқаларидан ажратишга имкон беради. Шунингдек, пулнинг тўлов функцияси нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг маҳсус принципларини корхоналар тиҷорий фаолиятининг бошқа умумий принципларидан ажратиб олишга ҳам имкон беради.

Пулнинг тўлов воситаси сифатида амал қилишида унинг умумий мақсади – мажбуриятларни қайтариш мужассам. Тўловларнинг аниқ-мақсадли характеристи мажбуриятларнинг нима мақсадга мўлжалланганлиги билан аниқланади. Бундай фарқланиш шунга олиб келадики, агар умумий мақсад мажбурият бўйича тўловнинг принципида ўз аксини топса, мажбуриятга хос бўлган аниқ-мақсадли белги бошқа принципнинг, яъни тўловларнинг муддатлилиги принципининг асосига қўйилган.

Шундай қилиб, тўловнинг мақсадли характеристикаларни принципи унинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, принцип бўлмасдан балки нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бошқа тегишли принципларининг (хусусан, тўловчиларнинг мажбуриятлари бўйича тўловлар, тўловларнинг навбатлилиги ва бошқалар) элементидир.



Тўловнинг муддатлилиги ҳам қуидаги бир неча таркибий қисмлардан иборат: ҳисоб-китоб ҳужжатининг тўланиш муддати; унга (қайта) ишлов беришнинг муддати; ҳисоб-китоб ҳужжатининг жўнатилиши муддати; мол етказиб берувчининг ҳисоб варагига маблағларни ўtkазиш муддати. Тўловлар муддатлилигининг барча кўринишлари уни амалга ошириш тезлигини характерлайди. Шунинг учун ҳам тўловнинг оптимал тезлиги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг принципларидан бири бўлса, муддатлилик ана шу принципнинг асосини ташкил этади.

Тўловнинг таъминланганлиги, асосан, пулнинг ҳисоб-китоб, жорий ва бошқа ҳисобварақларда авуарлар кўринишидаги фаолиятига тегишли бўлиб, уларда корхоналарнинг ҳисоб-китоблар учун мўлжалланган тўлов маблағлари аккумуляция қилинади. Бундан ташқари, тўлов корхонанинг бошқа ликвид активлари, кредит ва тўлов тизими орқали ҳам таъминланади. Бироқ айнан нақд пулсиз ҳисоб-китобларда тўловни таъминлашнинг санаб ўтилган шарт-шароитлари тўлов воситаси сифатида пулнинг фаолиятидан четга чиқади. Бундай шарт-шароитлар бевосита ҳисоб-китобларнинг ўзига тегишлидир.

Тўлов таъминланганлигининг шаклларидан бири уни содир бўлишининг кафолатланганлиги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бозорнинг олтин қоидаларидан бири тўланиш кафолатига эга бўлмасдан туриб, ортиб жўнатмаслик керак, деган мазмунда янграйди. Бозорнинг қоидаси сифатида кафолат ўзларига тегишли бўлган принциплар чегарасида содир бўладиган ҳисоб-китобларни таъминлади.

Маълумки, ҳисоб-китоблар бўйича кафолатлардан бири давлат ҳисобланади. Тўловлар таъминланганлигининг бошқа йўналишларидан бири нотўловлар рискини суғурталашdir. Бироқ тўловнинг кафолатланиши ҳам, нотўловлар рискини суғурталаш ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китобларда пулнинг тўлов воситаси сифатида фаолият кўрсатиши таркибий тузилмавий элементларининг шакли ҳисобланмайди. Ана шу шаклдан четда бўлганлиги учун тўловнинг таъминланганлиги, ўзининг қанчалик аҳамиятга эга бўлишидан қатъий назар, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг принципи сифатида эътироф этилиши, бизнингча, мумкин эмас.

Тўловларни узлуксиз амалга оширилишини таъминлайдиган даражада ликвидлиликни ушлаб туриш ҳам пулнинг нақд пулсиз ҳисоб-китоблардаги тўлов воситаси сифатидаги ҳаракатланишидан олдин содир бўлганлиги учун унга нисбатан ҳам юқоридаги чиқарилган хулоса тўлиқ тегишлидир.

Умуман олганда, юқоридаги мулоҳазалардан бир неча муҳим хулосаларга келиш мумкин. Уларнинг қаторига қуидагиларни кўрсатиш мақсадга мувофик:

- нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг принциплари, бир вақтнинг ўзида, пулнинг нақд пулсиз ҳисоб-китоблардаги тўлов воситаси сифатида фаолият кўрсатишининг принциплари ҳамдир;

- банк тизимида бу принципларнинг ҳаракатланиши нақд пулсиз ҳисоб-китоблар уч иштирокчилари – маблағларни тўловчи, маблағларни олувчи ва банк – ўртасидаги иқтисодий муносабатлардан келиб чиқади. Бу муносабатлар, кўпчилик ҳолларда, пулларнинг тўлов



воситаси функциясини бажариш жараёнида тижорат банклари ва Марказий банкнинг ҳисоб-китоб-касса маркази ўртасида вужудга келадиган муносабатлар таъсири остида мураккаблашади. Шунингдек, тегишли принципларнинг шаклланишида бозор иқтисодиётининг бир қатор қуидаги объектив омиллари ўз таъсирини кўрсатади: шартномалар бўйича мажбуриятларни бажаришнинг зарурлиги; жуда кўплаб корхоналар ликвидлигининг чекланганлиги; қатор корхоналар томонидан тўловга лаёқатлиликнинг юқотилиши; ҳисоб-китобларда ва уларни амалга ошириш бўйича харажатларда айланма маблағлар массасини қисқартиришга эҳтиёжнинг мавжудлиги; ҳисоб-китобларни тезлаштириш мақсадида энг янги технологиялардан фойдаланиш имконияти;

- одатда мақсадсиз бошланишнинг бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам принциплар накд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг асосий бошланиши бўлибгина қолмасдан, балки уларнинг якуний мақсади ҳамдир. Ҳар қандай иқтисодий муносабатларда асосий бошланишлар ва якуний мақсадлар органик қўшилишини бир бутунга бириктирилиши унинг сифати ёки хусусиятларини акс эттиради. Бироқ барча иқтисодий муносабатлар икки томонламалик характерга эга. Шунинг учун ҳам тўловларнинг хусусиятлари уларнинг содир бўлаётган манбалари ва иқтисодий шарт-шароитларига боғлиқ равишда конструктив ёки бузғунчилик, ижобий ёки салбий характерга эга бўлиши мумкин.

References:

1. Sayfiddinov, I., & Sa'Dullayeva, M. A. (2020). Importance of income taxation of commercial banks. Экономика и бизнес: теория и практика, (5-2), 148-150.
2. Sayfiddinov, I., & Sotvoldiyev, K. Y. (2019). Expansion non-cash payments in Uzbekistan. Экономика и бизнес: теория и практика, (5-3), 27-29.
3. Сайфиддинов, И., & Ахмедова, Д. (2020). Глобал иқтисодий инқироз шароитида тўловсизлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш йўллари. Экономика и инновационные технологии, (1), 37-43.
4. Sayfidinov, I. F., & Sheraliev, A. (2019). Improving the practice of overdraft lending in commercial banks of the country. Economics and Innovative Technologies, 2019(6), 4.
5. Sayfiddinov, I., & Isroilov, R. A. (2019). Expansion of the practice of bank plastic cards. Экономика и бизнес: теория и практика, (5-3), 24-26.
6. Karaliyev, T. M., Sattorov, O. B., & Sayfiddinov, I. F. (2016). Bank faoliyatini tahlili. o'quv qo'llanma.
7. Fayziddinovich, S. I. (2022). Ways to solve non-payment problems. Asian Journal of Research in Banking and Finance, 12(5), 7-11.
8. Fayziddinovich, S. I., & Alibekovich, D. S. (2021). Ways to overcome the problems of insolvency in the conditions of current global economic crisis. SAARJ Journal on Banking & Insurance Research, 10(2), 28-33.
9. Сайфиддинов, И., & Ахмедова, Д. (2020). Глобал иқтисодий инқироз шароитида тўловсизлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш йўллари. Экономика и инновационные технологии, (1), 37-43.
10. Sayfidinov, I. F., & Sheraliev, A. (2019). Improving the practice of overdraft lending in commercial banks of the country. Economics and Innovative Technologies, 2019(6), 4.



11. Sayfiddinov, I., & Isroilov, R. A. (2019). Expansion of the practice of bank plastic cards. Экономика и бизнес: теория и практика, (5-3), 24-26.
12. Fayziddinovic, S. I. (2024). The Role of Payment and Payment Flows in Determining the Nature of the Payment Circuit. EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 4(4), 39-42.
13. Sayfiddinov, I. F. (2023). WAYS TO SOLVE NON-PAYMENT PROBLEMS. Educational Research in Universal Sciences, 2(4), 409-414.
14. Fayziddinovich, S. I. (2023). DETERMINING THE NATURE OF THE PAYMENT CIRCUIT THE ROLE OF PAYMENT AND PAYMENT FLOWS. World Economics and Finance Bulletin, 23, 81-84.
15. Fayziddinovich, S. I. (2022). Pension system and its types in practice of foreign countries. Asian Journal of Research in Banking and Finance, 12(5), 1-6.

